



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “24 ” mart

Қ-178 -son

Termiz sh.

Термиз тумани “Каттақум” массиви “Учқизил” маҳалласи ҳудудидан “Termiz Kapital Silver” МЧЖга экотуризмни ривожлантириш мақсадида “Туристик дам олиш маскани биноси” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон Фармонининг 5-бандига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 03-02/132-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2020 йил 25 декабрдаги 48-сон хулосаси, Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 23 декабрдаги 01-08/417-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Термиз тумани “Каттақум” массиви “Учқизил” маҳалласи ҳудудидан “Termiz Kapital Silver” МЧЖга экотуризмни ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1қ-дала контуридаги жами 1,0 гектар яйлов ер майдони “Туристик дам олиш маскани биноси”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “Termiz Kapital Silver” МЧЖ 1,0 гектар яйлов ер майдони экотуризмни ривожлантириш мақсадида “Туристик дам олиш маскани биноси”ни қуриш учун ажратилаётганлиги боис қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 12 571 380 (ўн икки миллион беш юз етмиш бир минг уч юз саксон) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код:

00014 бюджет ҳисоб рақами 014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов